

Необходимо отметить, что в Узбекистане проводимые аграрные научные исследования дают определенные результаты. Так, садоводстве и виноградарстве для орошаемых, горных и предгорных территорий разработано несколько перспективных скрещенных сортов миндаля, сорта столового винограда «истиклол» и «гавхар», мелкоплодный сорт лука «умид» для теплиц, розовый сорт «навруз», сорт сладкого перца «юлдуз», новые сорта лимона, апельсина, мандарина, яблок, клубники, смородины, винограда. Ежегодно выращивается по 18 - 20 тонн отборных семян по сорока видам овощных, бахчевых культур и поставляются в семеноводческие хозяйства. В 2018 году по 37 сортам 17 видов овощных и бахчевых культур на научной основе велись первичные семеноводческие работы. Произведено 1213 килограммов суперэлитного, 4588 килограммов элитного и 33885 килограммов семенного материала первой репродукции [4].

Инновационное развитие аграрного производства все еще наталкивается на проблемы производственно-технического характера. Ощущается нехватка самой новой высокоэкономичной специализированной техники, недостаточен уровень внедрения передовой агротехники, не полностью покрывается спрос отрасли на некоторые виды химических средств и минеральных удобрений, высокие цены на них, монополизация их рынка, высокая степень потерь хранимой продукции.

Список использованной литературы

1. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису // Народное слово, 25 января 2020 года.
2. “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. Указ Президента Республики Узбекистан, 7 февраля 2017 года // Народное слово, 8 февраля 2017 года.
3. *Ботирова Р., Сирожиддинов И.* Инновационные факторы экономического развития и их особенности в регионе // Молодой ученый. № 11. 2016. С. 1063– 065.
4. *Сирожиддинов К., Ходжибоева И.* Стимулирование и поддержка инновационного развития малого бизнеса в Узбекистане // Молодой ученый. 2016. №10.

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада бозор муносабатлари шароитида корхоналарда иқтисодий ресурслардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий салоҳият, самарадорлик, ишлаб чиқариш қуввати, иқтисодий ресурслар.

С.О.Қозоқов, научный руководитель О.С.Казаков,
Наманганский инженерно-технологический институт,
Наманган, Узбекистан
Kazakov_o @umail.uz

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ЭКОНОМИКИ ХЛОПКООЧИСТИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье рассмотрены и предложены рекомендации использование экономических ресурсов на хлопкоочистительных предприятиях в условиях рыночных отношений.

Калит сўзлар: экономический потенциал, эффективность, производственная мощность, экономические ресурсы.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида пахта тозалаш корхоналари муҳим ўрин тутди. Бу корхоналар мамлакатда етиштириладиган пахта хом ашёсини қуришиб, тозалаб, чигитдан ажратиб ва сақлаб, зарур бўлган муддатларда иқтисодиётнинг тармоқларига етказиб беради. Иқтисодиёт ва агрокластерлар самараси пахта тозалаш тармоғида олиб борилаётган фаолият самарасига боғлиқдир. Пахта тозалаш корхоналари фаолиятида энг муҳим масалалардан бири – ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳисобига рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг барча бўлимларининг якуний техник-иқтисодий натижаларига, иқтисодий салоҳиятга ва ундан фойдаланиш омилларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси иқтисодиёт ривожининг устувор вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни муваффақиятли равишда амалга оширилиши биринчи навбатда мавжуд иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб қилади(1). Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши кудратли ишлаб чиқариш салоҳиятини яратишни зарур шарт қилиб қўяди. Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш масалани бир томони бўлса, иккинчи томони мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишдир. Иқтисодий салоҳиятнинг асоси корхоналар фойдаланадиган ишлаб чиқариш ресурсларидир. Демак, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали тарзда фойдаланиш бугунги кунда кун тартибидаги энг асосий масаладир. Ушбу масаланинг ечими иқтисоднинг асосий муаммосининг ҳал этилиши томон асосий омил ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотларда интенсивлаштириш масаласи ҳар бир бирлик ресурслардан самарали тарзда фойдаланишни назарда тутати. Иқтисод ривожининг муҳим талаби бўлган ушбу масаланинг ҳал этилиши, яъни мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали тарзда фойдаланиш, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш - вақтинчалик амалга ошириладиган ишлар эмас, балки узоқ муддатли дастурдир. Бу масала ҳар бир ташкилотнинг стратегик режасида ўз аксини топиши лозим. Корхона ва ташкилотлар ўз ривожланишини белгилаш вақтида авваламбор ўзлари фойдаланадиган иқтисодий ресурслар масаласига эътибор қаратадилар. Иқтисодий ресурсларни топиш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳамма вақт кун тартибидеги асосий масалалар қаторида бўлиши лозим. Ушбу масалалар режалаштириш жараёнида оптимал режалар тузиш орқали ҳамда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва иш жойини самарали тарзда ташкил этиш орқали ҳал этилиши мумкин. Иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарасини ошириш ишлаб чиқаришдаги техник, технологик, иқтисодий ва ташкилий фаолиятда муҳим масала ҳисобланади ва фаолиятни ташкил этувчилар бунга эътибор қаратишлари уларнинг самарадорликни оширишга эришишлари учун имконият яратати.

Пахта тозалаш корхоналари фаолиятида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслар самарасини ошириш учун интенсив фаолият турини танлаш лозим. Бунинг учун иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларига ўтиш керак бўлади. Иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларига ўтиш иқтисодий ва фан-техникавий тараққиётнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланишни назарда тутати. Пахта тозалаш корхоналарида фойдаланиладиган дастгоҳлар фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ва самарали фаолиятини ташкил этиш, дастгоҳларнинг иш унумдорлигини ошириш, тўхтаб туришлар ва танаффусларни қисқартиришга эришиш ва бунда хом ашё сарфини камайтириш, энергиятежамкор технологиялар ва мосламаларни яратиш ҳамда корхона фаолиятига жорий этиш орқали пахта тозалаш корхоналарида интенсив тараққиётни таъминлаш мумкин. Бозор иқтисодиётининг ҳозирги даражасида, иқтисодиётни модернизациялаш кун тартибига асосий йўналиш қилиб қўйилган шароитда ушбу йўналиш қонуний ҳисобланади ва бажарилиши шарт бўлган категориялар қаторида бўлади.

Пахта тозалаш корхоналарида интенсив тараққиёт йўлини амалга ошириш учун яна қуйидаги йўналишларни амалга ошириш лозим:

1. Дастгоҳлар ва мосламалар иш унумдорлигини ошириш ва бунда рақобатбардошлиликни таъминлаш.

2. Технологик жараёнларни янада такомиллаштириш, кам ресурс талаб қилувчи технологияларни яратиш.

3. Энерготежамкор технологияларни яратишга ҳаракат қилиш.

4. Фойдаланиладиган хом ашёлардан кўпроқ фойдали маҳсулот чиқишини таъминлаш.

5. Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг чиқиш фоизини камайтириш.

6. Фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини оширишни ташкил этиш, улар меҳнатини илмий ташкил қилиш.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш салоҳиятидан ва ундаги ресурслардан тўлароқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан ва ресурслардан самарали тарзда фойдаланиш омиллари ҳар томонлама ўрганилиши, таҳлил этилиши, бир-бири билан алоқалари ўрнатилиши шарт. Ишлаб чиқаришдаги барча ресурслар жамланиб иқтисодий салоҳиятни ташкил қилади. Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари белгиландан олдин иқтисодий салоҳият ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш

тушунчаларига аниқлик киритиш лозим. Турли иқтисодий адабиётларда ва илмий ишларда ушбу иқтисодий тушунчалар турли хилда талқин қилинган.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан Хайруллаев О.И. «Асосий ишлаб чиқариш фондларининг динамикаси унинг иқтисодий потенциалининг тавсифини белгилайди. Асосий фонд баҳосининг, айниқса, унинг фаол қисми баҳосининг ўсиши катта сифат ўзгаришларига олиб келиши мумкин. Давлатимизнинг ер ости ва ер устки қатламидаги бойликларни ўзлаштириш, уларнинг хом ашёларини қайта ишлаш асосий фондлар салмоғига, улардан фойдаланиш даражасига моддий жиҳатдан боғлиқдир. Бу кўрсаткичларнинг яхшиланиши нафақат қаралаётган sanoat тармоқларини, балки бутун халқ хўжалигининг юксалишига ижобий таъсир этади»(5) деб таъкидлайди. Иқтисодий салоҳият нафақат асосий ишлаб чиқариш фондлари билан белгиланади, балки иқтисодий салоҳият тушунчаси ишлаб чиқаришдаги барча иқтисодий ресурслар билан белгиланади, яъни айланма воситалар, меҳнат ресурслари ва ҳатто мавжуд ахборот ресурслари ҳам иқтисодий салоҳият тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар қандай моддий ишлаб чиқариш унинг муҳим элементлари бўлган - меҳнат қуроллари, меҳнат буюмлари ва меҳнатнинг бирлиги ва ўзаро муносабатларидан иборатдир. Ишлаб чиқариш салоҳияти эса ҳар бир ташкилотда икки муҳим омилга боғлиқдир, яъни ишлаб чиқариш асосий элементларининг мавжудлиги ва унинг ривожини ҳамда бу элементлардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Ушбу икки омилнинг ривожини ва самарали фойдаланиш sanoat ишлаб чиқариш корхонасининг фаолиятини ва ривожланиш даражасини белгилайди. Пахта тозалаш корхоналарининг ривожини улардаги муҳим сифат ўзгаришларига, самарадорликни ошириш орқали такомиллашувига боғлиқлигини назарда тутадиган бўлсак юқоридаги ҳолат табиий ва қонуний тус олади. Демак, иқтисодий салоҳият - бу комплекс тушунча бўлиб, ўз ичига меҳнат қуроллари, меҳнат буюмлари, меҳнат ва ахборот ресурсларини олади ва улардан комплекс равишда самарали фойдаланишни назарда тутайди.

Кўплаб иқтисодчи олимлар иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш билан аралаштириб юбордилар. Ишлаб чиқариш қувватлари энг юқори даражадаги йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш хажми бўлганлиги сабабли бу олимлар асосий омиллар ва элементларни ҳисобга олмайдилар. Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни фақатгина маҳсулот хажмига боғлаб қўядилар.

Иқтисодий салоҳият ва ундан самарали тарзда фойдаланиш комплекс ҳолда кўриб чиқилмоғи лозим. Ушбу тушунча кенг қамровли бўлиб, корхонага киришдаги ресурсларни ҳар бирлигидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни, жой-жойига қўйишни, ҳар бир бирлик ресурсдан олинадиган маҳсулот миқдорини орттириш билан биргаликда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутайди. Шу билан биргаликда, ишлаб чиқариш корхонасидаги ҳар бир ресурсдан фойдаланиш корхонанинг стратегик мақсадига етишишни таъминлаши ва корхонанинг бозор хиссасини ошириш ҳисобига кўпроқ фойда олишини таъминлаш лозим. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш корхонадаги асосий воситаларни жойлаштирилишига, ўз вақтида ва сифатли таъминлашга, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга, меҳнат тақсимооти ва ҳамкорлигини йўлга қўйишга, иш жойини тўғри ва оқилона тартибини яратишга, иш усулларини такомиллаштиришга, нуқсонсиз ишни ташкил этишга олиб бориши лозим. Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш корхонасининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини яхшилайти ва корхона такомиллашуви йўлида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. “Наманган ҳақиқати” газетаси 2020 йил 25-январь № 7 (19626).
2. Сидоров А.П. Внутривзаводские пропорции мощностей и эффективность производства. Москва. 2012.
3. Румянцева З.П., Саломатин Н.А., Акбердин Р.З. Менеджмент организации. М.: Инфра-М, 2012. С. 300-301.
4. Румянцев А.М., Яковенко Е.Г., Янаев С.И. Инструментарий экономического науки и практики. М.: Знание, 1999. С. 101-102.
5. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. №1 ва №2. Тошкент, 2012.

Ф.А. Ғаниев, У.С. Турсунов
Наманган Давлат Университети ўқитувчиси
Наманган Муҳандислик-технология институти
Ўзбекистон

ЧОРВАЧИЛИҚДА ҲАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАННАРХНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада чорвачилик ҳаражатлари ва таннархини ҳисобга олиш масалалари ўрганилган, шунингдек, чорвачиликда ҳаражат моддалари, аналитик ва синтетик ҳисобнинг хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, фермер хўжалиги, чорвачилик, ҳаражат, маҳсулот, таҳлил.

Мамлакатимиз аҳолиси сонининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда. Республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш натижасида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан, енгил ва озиқ-овқат саноатини эса хомашё билан етарли таъминлашга имконият туғилади.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби счётлар режасида ҳаражатларни ҳисобга олиб бориш учун 2010-“Асосий ишлаб чиқариш” счёти мўлжалланган, чорвачилик ҳаражатларини ҳисобга олиб бориш учун эса бу счётда “Чорвачилик” аналитик счёти очилиб, унда чорвачиликка қилинган ҳаражатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади. Фикримизча, чорвачилик хўжаликларида чорвачилик ҳаражатлари ва олинган маҳсулотлар ҳисобини юритиш учун 2020-“Чорвачилик ишлаб чиқариши” таннарх ҳисоблаш счёти очилиши мақсадга мувофиқ. Унинг таркибида: йирик шоҳли ва майда шоҳли чорва ҳайвонлари, йирик шоҳли чорвада эса: ишчи, маҳсулот берувчи ва насли чорвалар, майда шоҳли чорвада эса: маҳсулот берувчи ва насли чорвалар бўйича субсчётлар очилиб, таннарх ҳосил қилувчи ҳаражатларни жамлаш ва ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу счёт ва субсчётлар бўйича ҳаражатлар чорвачиликнинг қўйи тармоқларида чорвачиликнинг айрим турлари ва гуруҳлари сифатида ҳисоб объектларига ажратиб ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. 2020-счёт бўйича ҳисобга олиш номенклатураси қуйидагича.

Чорвачиликнинг қорамолчилик йўналишида-сут чорвачилиги бўйича қорамолчиликда: асосий пода, барча ёшдаги ёш чорва моллари ва бўрдоқига боқилаётган чорва моллари, сигир ва ғунажинлар етиштириш (ихтисослашган